




МАВЗУ: №7 АК-74 автоматини нотұлиқ қисмларға сочиш ва йиғиш.





ЎҚУВ САВОЛЛАР:




1. АК-74 автоматини нотўлик қисмларга ажратиш ва йиғиш тартиби.
2. АК-74 автоматининг магазинига ўқни юклаш тартиби.
3. Отишдан кейин қуролни тозалаш ва мойлаш.
4. Отиш тайёргарлигидан №12,13 ва 15 меъёrlарни бажариш.




Автоматни нотұлиқ қисмларга ажратиш

Автомат тоза тахта ёки таглик устида ёйилади. Қисм ва механизмлар тахта устига улар ажратилиши тартибда териб чиқылади. Улар әхтиётлик билан ажратилиб, бири иккинчисининг устига қўйилмайди. Шунингдек ажратиш мобайнида ортиқча куч ва кескин зарбалар қўлланилмайди.




1. Магазинни ажратиш.




2. Анжомлар пеналини қўндоқ
уясидан чиқариш.



Автоматни нотұлиқ қисмларга ажратиш




3. Шомполни ажратиш.




4. Ствол қутиси қопқоғини
ажратиш.



Автоматни нотұлиқ қисмларга ажратиш




5. Қайтарувчи механизмни ажратиши.




6. Затвор рамасини затвор билан биргаликда
ажратиб олиш.



Автоматни нотұлиқ қисмларга ажратиш



7. Затворни затвор рамасидан ажратиши.



8. Ствол қолламаси билан биргаликдаги
газ трубасини ажратиши.

Автоматни нотұлиқ қисмларға ажратишдан кейин йиғиши

Нотұлиқ қисмларға ажраган автоматни йиғиши тартиби:

- ✓ ствол қопламаси билан биргаликдаги газ трубкасини бириктириш;
- ✓ затворни затвор рамасига бириктириш;
- ✓ затвор рамасини затвор билан биргаликда ствол қутисига жойлаштириш;
- ✓ қайтарувчи механизмни бириктириш;
- ✓ ствол қутиси қопқоғини бириктириш;
- ✓ тепкини босиб, уни жанговар ҳолатдан халос этиш ва сақлагични ўрнатиши;
- ✓ шомполни бириктириш;
- ✓ анжомлар пеналини қўндоқдаги уяга жойлаштириш;
- ✓ магазинни автоматга бириктириш.



АК-74 автоматининг сочиш ва йиғиш меёrlари

**Автоматни нотўлик қисмларга ажратиш учун
12- норматив ўрнатилган, унга кўра:**

«Аъло» - 13 сония;

«Яхши» - 14 сония;

«Коникарли» - 17 сония.

**Нотўлик қисмларга ажраган автоматни йиғиш
учун ўрнатилган 13- нормативга кўра:**

«Аъло» - 23 сония;

«Яхши» - 25 сония;


«Коникарли» - 30 сония.





Магазинни патронлар билин түләтиш

Магазинни патронлар билан түләтиш учун уни чап қўлга, бўғзини юқорига, бўртган жойини чап томонга қаратиб тутиш, ўнг қўлга эса патрон ўқларини жимжилоқ бармоғига теккизиб, гильзанинг туби бош ва кўрсаткич бармоғлари орасидан чиқарилиб ушлаш даркор.




Магазинни бир оз чапга оғдирган ҳолда бош бармоқ босими билан патронларни магазиннинг ён деворларидағи букилган бўртиқлар остига, гильза тубини ортки деворга тираб, навбат билан биттадан киргизиш керак.





Магазинни патронлар билин түләтиш



1- магазин; 2- ўтказгич; 3- обойма; 4- патронлар



Отиш чоғида мумкин бўлган тутилишлар ва носозликлар.

Эҳтимолий тутилишлар ва носозликлар, уларни бартараф этиш усуллари.

Автомат (пулемёт) қисм ва механизмларига ўз вақтида қаралса, тегишли даражада хизмат кўрсатилса, узоқ вақт ишончли ва инкорсиз ишлайди.

Аммо механизмларнинг ифлосланиши, қисмларнинг емирилиши ва автоматга (пулемётга) эҳтиётсизларча муносабатта бўлиш натижаларида, шунингдек, патронларнинг носозлиги туфайли ўтиш мобайнида тутилишлар рўй бериши мумкин.

Отиш мобайнида рўй берган тутилишни автоматни (пулемётни) қайта ўқлаш билан бартараф этишга уриниб кўрмоқ лозим.

Бунинг учун затвор рамасини уни дастасидан тутиб, ортга охиригача тортиш ва отишни давом эттириш даркор.

Агар тутилиш бартараф этилмаган бўлса, бунинг сабабини аниқлаш ва уни қўйида кўрсатилгани каби бартараф этиш лозим (таблица).


АК 74 автоматида

Тутилишлар ва уларни бартараф қилиш усуллари

Тутилишлар ва уларнинг хусусиятлари	Тутилиш сабаблари	Бартараф этиш усули
Патрон узатилмади Затвор олдинги ҳолатда, ўт очилмади патрондонда патрон йўқ	1. Магазин ифлосланган ёки носоз. 2. Ствол кутисидаги магазин учун мўлжалланган тортқи носоз	Автомат (пулемёт) қайта ўқлансин ва отиш давом эттирилсин. Тутилиш такрорланса магазин алмаштирилсин. Ствол кутисидаги магазин учун мўлжалланган тортқи носоз бўлган ҳолларда автомат (пулемёт) тамирлаш устахонасига юборилсин
Патрон тиқилди. Патрон ўки билан ствол кесмасида тиқилиб, харакатчан қисм ва механизmlар ўрта ҳолда тўхтаб қолди	Магазин носоз	Затвор рамасининг дастасидан тутиб турган ҳолда, тиқилиб қолган патрон чиқариб олинсин ва отиш давом эттирилсин. Тутилиш такрорланса магазин алмаштирилсин
Ўт очилмади Затвор олдинги ҳолатда, патрон патрондонда, тепки босилган – ўт очилмади	1. Патрон носоз. 2. Зарбдор ёки зарбдор-тепки механизм носоз; мойнинг ифлосланиши ёки тўнгланиши (капсюльда урилиш изи йўқ ёки кучсиз). 3. Зарбдорни затвордан ажратиб, затвордаги зарбдорга мўлжалланган дарча тозалансин	1. Қуролни қайта ўқлаб, ўт очиш давом эттирилсин. 2. Тутилиш такрорланса зарбдор ва зарбдор-тепки механизм кўриқдан ўтказилиб, тозалансин. Зарбдор – тепки механизм синган ёки ейилган бўлса, курол тамирлаш устахонасига юборилсин. 3. Зарбдорни затвордан ажратиб, затвордаги зарбдорга мўлжалланган дарча тозалансин
Затвор рамасини олдинги ҳолатга қайтмаслиги	Қайтарувчи пружина бузилган	Пружина алмаштирилсин (жанговар вазиятда пружина учлари жойи алмаштириб ўрнатилади) ва ўт очишда давом эттирилсин
Гилзани тиқилиши Гилза патронда навбатдаги патрон эса унга тиралиб турибди. Харакатчан қисмлар ўрта ҳолда тўхтаб қолган	1. Патрон кир ёки патрондан кирланган. 2. Улоқтиргич ёки унинг пружинаси кирланган ёхуд носоз	Затвор рамасининг дастаси ортга тортилсин ва уни тутиб турган ҳолда магазинни ажратиб, тиқилган патрон чиқарилсин. Затвор ёки шомпол ёрдамида гильза патрондан чиқарилсин. Отиш давом эттирилсин. Тутилиш такрорланса патронлар ва патрондан тозалансин. Улоқтиргич кўриқдан ўтказилиб, тозалансин ва отишда давом эттирилсин. Улоқтиргич носозлигига қурол тамирлаш устахонасига топширилсин
Гилзани тутилиши ёки чиқмаслиги Гилза ствол кутисидан улоқтирилмай, аксинча унинг ичидаги затвор олдида қолган ёки қайта патрононга юборилган	1. Ишқаланувчи қисмлар, газ йўллари ёки патрондан ифлосланган. 2. Улоқтиргич ифлосланган ёки носоз	Затвор рамасининг дастаси ортга тортилиб, гильза улоқтирилади ва ўт очишда давом эттирилади. Тутилиш такрорланса газ йўллари, ишқаланувчи қисмлар ва патрондан тозаланиб, ишқаланувчи қисмлар мойланади. Улоқтиргич носозлигига қурол тамирлаш устахонасига топширилсин

АК-74 автоматининг (РПК пулемётининг) тозалаш анжомлари

Анжомлар автоматни (пулемётни) қисмларга ажратиш, йиғиши, тозалаш, мойлаш ва магазинни патронлар билан тезроқ түлатиш учун хизмат қилади.



1- шомпол; 2- арткич; 3- арткич-чүтка; 4- отвертка; 5- чиқаргич; 6- пенал;
7- қопқоқ; 8- мойдон; 9- обоймалар; 10- ўтказгич



ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ!

